



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 10 февраль, № 28 (6463) Чоршанба


Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

Истиклол туфайли мамлакатимизда улуг мутафаккир Алишер Навоий шахсияти, асарларига бўлган эҳтиром тубдан юксалди. Юртимизда унинг номи билан юритилувчи вилоят, ўнлаб маданий-маърифий муассасалар, ташкилотлар бор. Президентимиз ташаббуси билан 1991 йилнинг “Алишер Навоий йили” деб аталиши, пойтахтимизда барпо этилган бобокалонимиз номидаги муҳташам боғ ҳамда шоирнинг у ердаги салобатли ҳайкали ана шундай катта эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

ИФТИХОР



Бугун биз Алишер Навоий орзу қилган фарон ҳаёт, обод турмуш, юксак тараққиётдан баҳрамандмиз. Ёшларимиз ул зотнинг асарларидаги қахрамонлар каби эзгулик сари бел боғлаб, юрт равнақиға ҳисса қўшишга интиломқдалар. Буни шу кунларда мамлакатимизда Алишер Навоий туғилган куни муносабати билан кенг миқёсда ташкил қилинаётган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мамлакатимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш, демократик институтларни ривожлантириш йўлида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундай кенг қўламли янгиланиш жараёнида ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бораётир.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги

маслаҳатчилардан билим, бой тажриба, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади

Айниқса, аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни равнақ топтиришга қўмаклашиш, жамиятда аҳиллик ҳамда товушликни мустаҳкамлашда ушбу институтнинг ўрни бекиёс.

Бугунги кунда маҳаллаларда миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва бироқ фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ушбу лавозимда бой ҳаётий тажрибага ва обрў-эътиборга эга, ҳар тарафлама ибратли аёллар ишлаяпти. Айни пайтда уларнинг сафи саккиз ярим минг нафардан зиёдир.

“Маҳалла” фонди маълумотларига кўра, биргина 2015 йил мобайнида маҳалла маслаҳатчилари томонидан 7 миллионга яқин оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилган ҳамда уларни мустаҳкамлаш борасида зарур тавсиялар берилган. Шу билан бирга, жойларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, оилавий ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича 300 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил этилган. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини янада яхшилаш орқали ўқувчилар давоматини ва бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш юзасидан оналар ўртасида жами 107 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилган.

Аёнки, маҳалла маслаҳатчиларининг билим ва тажрибасини муттасил ошириб боришга қўмаклашиш уларда фаоллик, ташаббускорлик ҳамда жонбозлик фазилатларини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шу мақсадларда “Маҳалла” фонди томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорлик

дан 7 миллионга яқин оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилган ҳамда уларни мустаҳкамлаш борасида зарур тавсиялар берилган.

Шу кунларда бўлиб ўтаётган ушбу тадбирлар маслаҳатчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда аҳоли, биринчи навбатда, ёшларнинг турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олиш борасидаги вазифалари мазмун-моҳиятини уларга етказиш, фуқаролар йиғинларида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаоллигини янада ошириш имконини бераётир.

Жиззах вилоятида ўтказилган ўқув-семинарларнинг маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда маслаҳатчиларнинг ўрни ва роли, йиғинлардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш масалалари, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, бузғунчи гоғлар тарқалишига йўл қўймайлик ва унинг маънавий-маърифий асослари, баркамол авлоднинг тарбиялаш каби мавзулар бўйича кенг тушунтиришлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Тошкентда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий кенгашининг 2015 йилдаги фаолияти яқунлари сарҳисоб қилиниб, 2016 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

● Фарғонада ўтган йили мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги танлов ва мусобақаларда голиб бўлган ёшларни тақдирлаш маросими ташкил этилди.

● Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуриндаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йиғилиши ўтказилди.

● Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига атаб ўтказилган мусиқий кеча “Мен ўзимни топмасам...”, деб номланди.

● “Намунали милиция таянч пунктлари” кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичида Хатирчи тумани “Саховат” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 104-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичиға йўлланма ни қўлга киритди.

● “Кафолат сугурта компанияси” акциядорлик жамияти ва Тошкентдаги Инха университети билан ҳамкорликда уюштирилган “Сугурта қилиш соҳасидаги энг яхши мобил илова” танлови голиблари номи маълум бўлди.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бебаҳо хазина

Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда кенг нишонланди.

САНА

Хусусан, Оролбўйи минтақасида маданий-маърифий тадбирлар, адабий кечалар, давра суҳбатлари ўтказилди. Уларда улуг бобокалонимиз асарларидан намуналар ўқилиб, ғазал ва рубоийларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди, театрлаштирилган сахна кўринишлари намойиш қилинди.

Улуг мутафаккир номи билан аталувчи вилоятда мазкур санага бағишланган тадбирлар ҳам чинакам шодийнага айланди. Дастлаб олимлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар Навоий шаҳридаги шоир ҳайкали пойғига гулчамбарлар қўйишди.

— Алишер Навоий асарлари маърузи теранлиги, ҳаётлиги боис, асрлар ўтса ҳамки, ўз аҳамиятини йўқотмай, инсониятнинг ҳайратга солиб келмоқда, — дейди Навоий давлат педагогика институти доценти Тоҳир Ҳўжаев. — Шоир байтлари ўзида ана шундай кўп маъноларни мужасам этганки, улар асосида бир қанча китоблар ёзиш мумкин.

Шаҳар марказидаги “Фарҳод” маданият саройида “Алишер Навоий маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида анъанавий республика анжумани уюштирилди.

Андижон шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият ва

истироҳат боғида вилоятдаги олий ўқув юртли профессор-ўқитувчилари, адабиётшунослар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида буюк бобокалонимиз ҳайкали пойғига гулчамбарлар қўйилди.

Тадбирда сўз олганлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида улуг аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, тадқиқ этиш ва ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлашди. Тантана Заҳридин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида давом этди. Ғазал мулки султонининг серкира ижоди ҳамда ибратли ҳаёт йўли тараннум этилган назм ва наво кечаси ҳаммага катта завқ улашди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАСУР, МАРД ВА САДОҚАТЛИ ЎҒЛОНЛАР

юрт тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни муқаддас бурч, деб билишади

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида истиклол йилларида мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган кенг қўламли чора-тадбирлар самаралари ҳақида фикр юритиб, жумладан, шундай дейди: “Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур

ҚАРОР ВА ИЖРО

Дарҳақиқат, ўтган давр маънодаги ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар туфайли Қуроли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, унинг сафини тўлдирish такомиллаштирилди. Хусусан, 2002 йилнинг 29 августида бўлиб ўтган Иккинчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида давлатимиз раҳбари “Қандай қилсак,

армияда хизмат қилиш том маънодаги нуфузли ишга айланади? Қандай қилсак, ёшларимиз ўртасида армия хизматидан бўйин товлаш эмас, аксинча, унинг сафидан жой олишга интилиш кучаяди? Қандай қилсак, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш авлоднинг энг муносиб вакиллари армияга танлаб олинди деган бўлади?” деган саволларни ўртага ташлади. Ушунда фарзандларимизнинг Қуроли Кучларда хиз-

матни ўташ муддатини 18 ойдан 12 ойга, яъни бир йилга келтириш таклиф қилинди. Бунинг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари ҳаётий далиллар асосида батафсил тушунтириб берилди. Шундан сўнг, Иккинчи чакирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ, ҳарбий хизмат муддатини

12 ойгача қисқартиришга доир ҳуқуқий асос яратилди. 2008 йил 20 ноябрда Президентимизнинг “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, 2009 йилдан бошлаб, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта —



февраль-март ойларида чакирқ йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси амалда ўз самарасини кўрсатди. Яъни миллий армиямиз сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, балки чин маънодаги шон-шараф ишиға айланди. Бугун улғайиб, камолға етган ҳар бир йигитнинг ўз хоҳиш-иродаси билан ана шу му-

қаддас вазифани адо этишга интилаётгани қалбимизга алоҳида фахр бағишлайди. Шу ўринда яна бир диққатга сазовор жиҳатни айтиш жоиз. Бугун ҳарбий хизматга чакирқлаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади.

(Давоми 3-бетда).



ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК ФАРЗАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, 9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавий тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этган маънавий аҳамиятда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва илмий экспедицияси раҳбари З. Маширабов, Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакили М. Галланд, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист О. Галахов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу савий-ҳаракатларни алоҳида эътироф этди.

Улғу бобокалонимиз номини бутун дунё билади. Бу бежиз эмас. Зеро, ўз асарлари орқали инсонийлик, меҳр-муҳаббат, саховат, мурувват, бағрикенглик, ҳамжихатликни юксак даражада мадҳ қилган, ўз фаолияти давомида бундай эзгу фаилатларни одамлар қалбига сингдиришга интилган Навоий, чин маънода, ибрат тисолидир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Навоийнинг ўлмас асарларидаги юрт тинчлиги ва оқилолиги, халқлар ҳамда миллатлар ўртасидаги дўстликни қўқларга кўтарадиган, бу гоёларни устувор инсоний қадриятлар сифатида олға суррадиган фикр ва қарашлари биз учун, айниқса, қимматлидир. Улғу аждодимиз яратган қаҳрамонлар — хитой, арман, араб, форс, юнон, хинд каби турли миллат вакилларининг эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиб, қийинчилик ҳамда синовларни биргаликда сабот билан енгиб ўтишида бугунги долғали замон учун ҳам муҳим равиш ва амалий маъно бор.

Дарҳақиқат, инсонни улғулаш, унинг эзгу мақсад ва савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш Навоий асарларининг бош гоёсидир. Бундай юксак мудадо ул зотнинг ушбу машхур рубоийсида ҳам яққол ифодаланган:

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Хар некиси севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.*

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Сирохиддин Саййид буюк бобомизга бағишланган «...Навоий сўзида бир газал» номли янги шеърини ўқиб берди.

Ўртимизда тахсил олаётган хорижлик талабалар, мумтоз ўзбек адабиёти бўйича изланишлар олиб бораётган чет эллик тадқиқотчилар Алишер Навоий рубоийларидан намуналарни ўзбек тилида мутолаа қилишди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Элмурод Аҳмедов ва Фуқрат Ашуралиев ижросида улғу мутафаккир газали асосидаги кўшиқлар янгради. Шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев қатнашди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган анжуман ҳамда мушоира бўлиб ўтди.

“Навоийхонлик” тадбирлари давом этмоқда.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги

маслаҳатчилардан билим, бой тажриба, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир иштирокчилари эътироф этганидек, ўтган йили маҳалла маслаҳатчилари томонидан вилоятдаги 304 та фуқаролар йиғинида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида камол топтириш борасида 4 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди.

— Қарийб 600 хонадондан иборат маҳалламизда сўнгги уч йил ичида бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмади, — дейди Жиззах туманидаги “Шариллоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси С. Шойзоқова. — Бизнингча, оилалар билан тизимли равишда иш олиб борганимиз, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи комиссиялар билан мустақам алоқа ўрнатганимиз сабабли мана шундай натижага эришдик. Қолаверса, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини кучайтиришга жиддий ёндашаётганимиз, маҳалла ёшларини турли ижодий ва спорт тўғрисида кенг жалб этаётганимиз айна мудадо бўлмоқда.

Ўқув-семинар фаолиятимизда эътибор қаратишимиз зарур бўлган муҳим масалалар, иш услубларимиз бўйича ўзаро фикр, тажриба алмашишга имкон берди. Бундай тадбирлар маслаҳатчиларнинг шиддат билан ривожланаётган замон талабларига ҳамнафас бўлиб яшашида, ҳаётга, бурчига, маҳалласидаги ролига муносабатини яна бир бор кўнгилдан ўтказишида, фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Самарқанд вилоятида ўтказилган ўқув-семинарда маҳалла маслаҳатчиларининг ўз вазифаларини шиддикдилдан бажараётгани қайд этилиб, улар олдида турган долзарб вазифаларга уруғ берилди.

Ўтган йили Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларда фаолият юритаётган маслаҳатчилар ташаббуси билан “Оилавий қадриятлар”, “Оила ва саломатлик”, “Сиз оила бўсағасидасиз”, “Никоҳ — муқаддас” сингари 23 мингга яқин,

оилавий ажралишларнинг олдини олишга қаратилган 25 мингдан зиёд тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш натижасида 304 та фуқаролар йиғинида миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни она-Ватанга садоқат руҳида камол топтириш борасида 4 мингдан ортиқ маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинди.

— Қарийб 600 хонадондан иборат маҳалламизда сўнгги уч йил ичида бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилмади, — дейди Жиззах туманидаги “Шариллоқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси С. Шойзоқова. — Бизнингча, оилалар билан тизимли равишда иш олиб борганимиз, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи комиссиялар билан мустақам алоқа ўрнатганимиз сабабли мана шундай натижага эришдик. Қолаверса, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини кучайтиришга жиддий ёндашаётганимиз, маҳалла ёшларини турли ижодий ва спорт тўғрисида кенг жалб этаётганимиз айна мудадо бўлмоқда.



ни юксалтириш, уларни она-Ватанга юксак муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида маънавий имунитетни янада кучайтириш борасида маслаҳатчилар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларнинг аҳамиятига алоқасиз тўхталиб ўтилди.

— Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни турли зарарли таъсирлар, “оммавий даманият” ниқоби остидаги таҳ-

дид ва хатарлардан асраш бевосита биз, маҳалла фаолларига ҳам дахлдордир, — дейди Самарқанд туманидаги “Ўрта Оҳалик” маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси С. Жаборова. — Юртбошимиз ушбу масалага “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келахати йўлида хизмат қилиш — энг олий содатдир” номли китобида, Янги йил табригида ҳамда Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида алоҳида эътибор қаратгани билан бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида маънавий имунитетни янада кучайтириш йўлидаги ишларимизни юқори босқичга

фидо-мулоҳазалар, иш фаолияти-мизнинг самардорлигини оширишга қаратилган тавсиялар, айниқса, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган ёш ва бузғунчи гоёларнинг мақсаддини, жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашга ва маънавий-маърифий аҳамиятга эга тарғибот ишларини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

— Ўқув-семинарларда маҳалла маслаҳатчилари фаол иштирок этмоқда, — дейди “Маҳалла” фондидининг **Сирдарё вилояти** бўлими бош мутахассиси С. Удаева. — Уларнинг фаолияти самардорлигини янада оширишга қаратилган, моҳияти ва аҳамиятига қўра долзарб маърузалар кизгин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга уланмоқда. Маърузаларда маҳалла маслаҳатчилари кенг билим ва тафаккурга, услубий ва амалий кўникмага эга бўлиши, ҳар қандай масалага ҳозиржа-овоқ билан қараб, ҳар бир вазиятда оқилона йўл тута билиши учун алоқасизликка тўшунча ҳамда тавсиялар берилмоқда.

Шунингдек, маҳаллалар қошида ташкил этилган “Ота-оналар университети” ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига доир ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимлари янада кучайтиришга алоқасизлик бўлаётгани эътироф этилди. Айна мазкур йўналиш бўйича ўтган йили вилоятимиздаги мавжуд 283 та фуқаролар йиғинида жами 6 минг 700 га яқин тадбирлар ўтказилган.

Жойларда бўлиб ўтаётган ўқув-семинарлар маслаҳатчиларнинг билимларини, иш фаолияти самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳозирги мураккаб замонда миллий ўзгичлик, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган гаразли интилишлардан асраш, оилаларда соғлом турмуш тарзи таъминларини қарор топ-

тириш маҳалла фаолларига, шу жумладан, маслаҳатчилар зиммасига катта масъулият юклайди, жойлардаги давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, тарғибот ишларининг самардорлигини оширишни талаб этади.

Тошкент вилоятида 985 нафар маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Маҳаллаларда оқилолиги ва аҳиллик, соғлом маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш ишларида уларнинг алоҳида ўрни бор. Янги йўл туманида ўтказилган семинарда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини ривожлантириш, ёшлар, жумладан, қизлар тарбияси борасидаги устувор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Тиббиёт муассасалари вакиллари билан биргаликда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш билан боғлиқ мавзуларда аҳоли кенг қатламлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз, — дейди Янги йўл туманидаги “Ватан” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси М. Шамшарова. — Семинар давомида аша шундай муҳим жараёнларда маслаҳатчилар вазифаси ва масъулияти ҳақида сўз юритилгани ўз фаолиятимизга яна бир бор чуқур разм солиб, танқидий баҳолашимизга ҳамда бундан тўғри хулосалар чиқариб олишимизга туртки берди.

Тадбир давомида маслаҳатчиларнинг таълим муассасалари, айниқса, яраштириш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, хотин-қизлар билан ишлаш, маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар билан ишчи ҳамкорлики йўлга қўйган ҳолда иш олиб бориш лозимлиги тўғрисида қарор тушунча ва тавсиялар берилди.

Ўқув-семинарлар республикамизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ўтказилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бебаҳо хазина

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Наманган вилоятидаги таълим муассасалари, маданият масканлари ва маҳаллаларда ҳам мазкур сана муносабати билан қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Илм ва ижод аҳли иштирокидаги учрашу, давра сўхбатлари кизгин мушоирага айланиб кетди. Шоир номидаги мусиқали драма театрида

“Алишер Навоий ижоди — маънавиятимиз хазинаси” мавзусида кеча уюштирилди. Унда улғу мутафаккир асарлари бугунги кунда ҳам ёшлар тарбиясида бебаҳо манба бўлиб хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Буюк бобокалонимиз таваллуд санаси вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам кенг нишонланди.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий

номидида марказий маданият ва истироҳат боғи эрта тонгдан адабиёт мухлислари, ёшлар билан гажум бўлди. Вилоят фаоллари, ижодкорлар улғу бобомиз ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Шунингдек, шаҳардаги бир қатор олий ўқув юрталарида ташкил этилган илмий-амалий конференцияларда мутафаккир шоир асарлари ўзбек тили ва адабиёти

ривожига, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида бекиёс аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

“Чорсу” тасвирий санъат галереясида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларига бағишланган Шақ ми ниатораси ҳамда тасвирий санъат асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унга таълим муассасалари ёшлари, Меҳрибонлик йўллари тарбияланувчилари таклиф қилинди.

Д. СОДИКОВ тайёрлади.

ҚОНУНИЙ АСОСДА МЕҲНАТ ҚИЛИШ

чет элда ишловчилар ҳуқуқларини кафолатлашнинг муҳим шартидир

Илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашуви билан шаҳарлар, мамлакатлар ва китъалар тобора яқинлашиб, курраи замин бўлиб ҳаракатланиш бутунлай оқилона. Авваллари оилар давомида машаққатли сафар эвазига босиб ўтилган масофа бугунги кунда бир неча соатларда қўлай авиаларвоз ёрдамида эгаланмоқда. Бундай воқеалар, ўз навбатида, меҳнат бозори интеграциясига кенг йўл очди.

Экспертлар ишчи кучи халқаро миграциясининг глобал иқтисодий муносабатларга сезиларли даражада таъсирини қайд этган ҳолда, ушбу жараён меҳнат ресурсларини қабул қилаётган ва унинг экспортини амалга ошираётган мамлакатлар учун ҳам фойдали эканлигини таъкидлашмоқда. Аввало, ишлаб чиқариш рағбатлантирилади, ички меҳнат бозорида соғлом рақобат яратилади. Қолаверса, валюта тушувларининг қўшимча манбалари пайдо бўлади. Бундан ташқари, фуқаролар хорижда ишлаш асносида янги касбларни ўзлаштиришади, тажриба ва

билимларини ошириб, ўз Ватанига қайтганида, уларни ҳаётга самарали татбиқ этишади. Албатта, ушбу ижобий ютуқларга меҳнат миграциясининг ҳуқуқий жиҳатларига амал қилингандагина эришиш мумкин.

Ўзбекистон халқаро меҳнат бозорининг тўлақонли аъзоси сифатида ушбу глобал жараёнлардан четда қолгани йўқ. Конституциямизда меҳнат ҳуқуқи, ҳаракатланиш эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шу сабабли фуқароларимиз хорижга ишлаш, тажриба орттириш учун чиқишга ҳақлидирлар. Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан тартибга солинади. Хорижда ишлашни хоҳловчиларга қандай ёрдам кўрсатилаётгани, шунингдек, ушбу идора фаолиятининг бошқа жиҳатларига оид саволларимизга мазкур агентлик юристи

Адлия вазирлиги эса мамлакатга жалб қилинаётган барча ишчи рўйхатини тасдиқлайди ҳамда ўша асосида иммиграция хизмати виза беради.

Ҳамма жараён бўйича қарор қабул қилинганда, агентлигимиз ҳамма зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни яқулаб, ўзбекистонлик ишчиларнинг Корея Республикаси тарафи билан қилинган жадвал асосида авиачипталарни харид қилиши ҳамда мамлакатдан чиқиб кетишига қўмақлашади. Ишга жойлашув бўйича харажатларни иш изловчилнинг ўзи қўлайди.

Санаб ўтилган жараён жуда ҳам осон ва тез амалга ошадигандек кўринмаслиги мумкин. Аммо айнан мамлакатдан чиқиб кетишдан олдин сифатли ўқиш ва мослашиш, тиббий билимларнинг оширилишига оид тизим Ўзбекистон ва Жанубий Корея манфаатларига хизмат қилади. 2007 йилдан бери 22,5 минг нафардан ортиқ хамюртларимиз Корея Республикаси корхоналарида иш билан таъминлангани, хозирги кунда 15,1 минг нафардан зиёд ўзбекистонликлар ушбу мамлакатда меҳнат қилаётгани ҳам унинг самардорлигидан далолатдир.

— **Фуқаро хорижда қонуний асосда ишламоқда. Ўзга давлатда унинг ҳуқуқлари таъминланишига кафолат борми?**

— Ҳа, шубҳасиз. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ҳар қоракда Корея Республикасида фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашнинг мониторингини олиб боради. Ушбу жараёни Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати раҳбарияти ва масъул ходимлари, Ўзбекистон элчихонаси вакиллари билан ҳамкорликда амалга ошираман. Бу савий-ҳаракатлар юзасида келган муаммоларни ўш вақтида аниқлаш ҳамда уни бартараф этиш имконини бермоқда.

Жанубий Кореяда хамюртларимиз, асосан, ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юртишади. Шу сабабли агентлигимиз вакиллари турли шаҳарлардаги корхоналарга ташриф буюриб, улар санитария-гигиена нормаларига мувофиқ шарт-шароитларда ишлаётгани, махсус кийим-кечак билан таъминлангани, иш вақти Корея Республикасида қабул қилинган стандартларга биноан чегараланиши, корхоналарда дам олиш хоналари борлиги, маоши ўз вақтида тўланаётганини ўрганиб чиқишда иш ишонч ҳосил қилишади. Бундан ташқари, улар иш беришчи тиббий ва бошқа суғурталар билан таъминланганини текширишади. Барча камчиликлар Корея Республикасида Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан ҳамкорликда хал қилинади. Бу ёзма шаклда, телефон ёки интернет, хусусан, агентлик сайтининг махсус бўлими орқали келиб тушган шикоятларни кўриб чиқишга ҳам таалуқлидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган давр мобайнида қонуний асосда ишлаётган хамюртларимизнинг манфаатлари қўпол равишда бузилган ҳолатлар қайд этилган. Жанубий корейлик иш бериувчилар юртдошларимизнинг меҳнатсеварлигига, касб-хунар коллежларида олган билим ва малакаларига, ишлаб чиқаришдаги иختисослигига юқори баҳо бериб, бошқача айтганда, уларга хайрихолик билан муносабатда бўлишади. Шунинг учун ҳам Корея Республикаси ўз корхоналарига дунёнинг 16 мамлакатидан, жумладан, Ўзбекистондан ходимларни жалб қилади.

— **Ўртимиз аҳолиси учун яна қайси мамлакатларда янги иш ўринлари очилиши мумкин?**

— Хозирги кунда бир неча йўналишда иш олиб боришмоқда. Хусусан, Япония билан ҳамкорликни кенгайтириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир-

лиги ҳамда Япониянинг таълим соҳасидаги ҳамкорлик бўйича халқаро ташкилоти (JITCO) ўртасида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган. Агентлигимиз ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон фуқароларини “Кунчиқор юрт”га техник стажировкага юборишни таъминлайдиган ваколатли орган сифатида белгиланган. Бугунги кунга қадар япониялик шериклар билан бир қатор учрашув ва музокаралар ўтказилди. Натижада “Чуо Сангё Шинко” ассоциацияси билан битим имзоланган. Унга мувофиқ, республикамизнинг япон тилини биладиган ва тегишли иختисосликка эга фуқаролари ушбу мамлакатда стажировка ўташлари мумкин.

Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўнйтириш ва ўқитиш марказининг “Уно” корпорацияси билан ҳамкорлик алоқалари натижасида ишчилар чет элдан боришдан олдин малакаларини янада мустаҳкамлаш учун махсус бўлим ташкил қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Япония корпорацияси бош офисида Ўзбекистон — Япония ахборот маркази ишга туширилади.

Россия Федерацияси билан меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ҳужжатлар ботимни амалга ошириш доирасида кўша ишчи гуруҳининг бир қатор учрашувлари ўтказилди, уларда ишчиларни МДҲга аъзо давлатларга тақдирлашнинг ҳолда жалб қилиш механизмига муҳокама этилди. Республикамиз фуқароларининг Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун уларни ишга ёллашни ташкиллаштириш тўғрисида битим лойиҳаси кўриб чиқиш босқичида турибди.

Шунингдек, чет эл мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Польша, Уман Султонлиги ва бошқа давлатлар билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Музокараларда мамлакатимиз вакиллари фуқароларимизга барча ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа кафолатларни тақдим қилиш зарурлигини таъкидлашаётди.

Руслан КЕНЖАЕВ сўзлашди.



қўриб, жудаям қувондим. Унинг "Онажон, ўзимга билдирилган ишонччи, албатта, оқлайман!" деганида қалбим шундай ифтихорга тўлдики, буни таърифлаш қийин.

— Айни ўйнаб-қуладиган ёшлик чоғларим қийинчиликда ўтган бўлса-да, мустақилликка эришгач, шундай обод ва фаровонликда кексалик гаштини сураётганимдан шукроналар айтаман, — дейди Навоий шаҳридан чиқарилган Тўймурод Аслоновнинг бобоси Очил Аслонов. — Фарзандларим, невараларим ували-жували, бахтли. Хар гал дуога қўл

ЖАСУР, МАРД ВА САДОҚАТЛИ ЎҒЛОНЛАР

юрт тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни муқаддас бурч, деб билишади

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Эндиликда мустақиллик йилларида туғилиб вояга етган, мамлакатимиздаги замонавий лицей ва коллежларда таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта билади. Энг асосийси, ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга. Бундай салоҳиятли ёшлар халқимизнинг ишончи ва таянчидир.

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақуруви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшашиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга тантанали кузатишга бағишлаб жойларда ўтказилаётган маросимларда ана шу жиҳатлар алоҳида эътироф этиляпти. Мазкур тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Хотинқизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ҳамда ота-оналар қатнашиб, қақурилувчиларга масъулиятли вазифани адо этишда муваффақият тиламоқдалар.

— Бундай маросимларни кўтаринки руҳда, ёшларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам узоқ вақт ёдида қоладиган қилиб ўтказиш учун мудофаа ишлари бошқармаси, туман мудофаа ишлари бўлимлари қақурувчи ва йигин пунктларида барча шароит яратилган, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси қақурувчи бўлими бошлиғи, майор Каромат Каипназаров. — Қақурув комиссияларининг ишида ошқоралик ва самарали жамоатчилик назорати ўрнатилган. Ўз навбатида, тиббий комиссия хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Уларда олий тоифали шифокорлар фаолият қўрсатмоқда. Булар армия сафларига ҳар томонлама соғлом, жисмонан етук, дунёқарши кенг, билимли йигитларни таллаб олиш имконини бераётди.

— Ўғлини Нодирбек Абсаломов болалигиданоқ ҳарбий бўлишга қизиққади, — дейди Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида ўтказилган маросимда иштирок этиш учун келган галлаороллик Насиба Алиқуллова. — Мактабда ва коллежда фанларни чуқур ўзлаштириди, спорт унинг доимий ҳамроҳи. Бу мақсади йўлидаги дастлабки қадам — мuddатли ҳарбий хизматга бориш учун белгиланган синовлардан аъло даражада ўтишида асқатди. Бугун фарзандимнинг ҳарбий либосда

оғанда, аввало, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишини сўраймиз. Жигарбандларимга ҳам хамиша эзгу ишлари барорини берсин, деб ниятлар қиламан. Мана, Ватан ҳимоячиси бўлишга бел боғлаган полков неварамга ҳам омад тилаш мақсадида армияга кузатиш тадбирига келдим. Қаранг, ушбу маросим худди байрамга ўхшайди. Ҳамма хурсанд. Бўёғини айтсам, Тўймуроджон ёшлигидан кураш тушиб катта бўлган, билага кучга тўлган. Билими. Барча тенгдошлари қатори мuddатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб қайтишига ишонаман!

— Армияга бориш ҳар бир йигитнинг орзуси, — дейди Тошкент шаҳар Учтепа туманидан қақурилан Муроджон Камолов. — Ана шу мақсадимга эришганимдан мамунман. Бунда юртимизда таълим-тарбия олишимиз, жисмонан чинқишимиз учун биз, ёшларга кўрсатилаётган чексиз ғамжўрлик жуда катта қанот, рағбат бўлди. Мuddатли ҳарбий хизмат давомида соҳа сир-асрорларини пухта эгаллаб, мусаффо осмонимизни асраб-авайлашга ўз хиссамни қўшмоқчиман...

Йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари давом этаёпти.

Санджон МАХСУМОВ, Тождидин ҚАМАРОВ, Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Фарход АБДУРАСУЛОВ ва Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

БИЛИМ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

"Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган вазифаларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши фарзандларимизга ҳақон талаблари даражасида замонавий билим бериш, илғор ўқитиш услубларидан фойдаланиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, қисқача айтганда, ёш авлодни баркамол вояга етказиш имкониятини яратди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз олий ўқув юртилари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва тажрибасини муттасил юксалтириб бориш, уларни бугунги кун талабларига мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда ижтимоий-иқтисодий кўнмамага эга, маънавияти юксак, дунёқарши кенг педагог-кадрларни тайёрлаш масаласига муҳим вазифа сифатида

қаралмоқда. Агар замонавий тиббиётдаги янгилик ва ўзгаришларни ҳисобга оладиган бўлсак, ўз билими ҳамда малакасини мунтазам оширмаган мазкур йўналишдаги педагоглар таълимдаги, шунингдек, клиник бошқарув соҳасидаги ўзгаришларга тез мослаша олмалиги мумкин.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ҳам бугунги кунда соҳа ходимлари билим ҳамда кўнмаларини мустаҳкамлашда алоҳида ўринга эга. Яқинда республикамизнинг тиббиётга иxtисослаштирилган турли олий ўқув юртиларидаги бир гуруҳ ўқитувчилар ушбу марказда таҳсил олди. Терапия, хирургия, олий маълумотли ҳамшира, педиатрия, тиббий биология йўналишлари бўйича ташкил этилган машғулотларга замонавий билим

ва бой касбий тажрибага эга бўлган мутахассислар, амалиётчилар жалб этилди. Уларнинг соҳадаги сўнги инновациялар билан боғлиқ маърузалари, педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида олиб борилган машғулотлари барчамизда катта таассурот қолдирди.

Машғулотларнинг ўзига хос яна бир жиҳати халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида қилинган маърузалар бўлди. Жумладан, ўқиш мобайнида биз, ўзбекистонлик тиббий-педагоглар Жанубий Корея, Германия, Япония, АҚШ давлатлари мутахассислари иштирокидаги халқаро конференцияда қатнашдик. Шунингдек, Жанубий кореялик профессор Хан Дюк Жонг, япониялик олим Миеко Ябути, германиялик мутахассис Ян Герд Кюхлинг ва италиялик Пеер Жоржио Вассананинг чиқишини катта қизиқиш билан тингладик. Япониялик олим Тошхиро Уеданинг "Ўткир ишемик ва геморрагик инсультнинг замонавий тромболитик даволаш усуллари" мавзусидаги маърузаси кўпчилик ҳамкасбларимизнинг диққат-эътиборини тортди. Жумладан, машғулотларда қатнашган Андижон давлат тиббиёт институти доценти Бахтиёр Жўрабоев шундай деди:

— Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида уюштирилган машғулотлар тажрибамизни янада бойитди. Хорижлик ҳамкасбларимиз билан учрашувлар, интеграл маърузалар ҳамда "Маҳорат дарслари"нинг ташкил этилиши тиббиёт соҳасидаги замонавий диагностика ва даволаш усуллари билан боғлиқ йўналишларда ўзаро таъриба алмашишимизга қулай муҳит яратди. Мазкур ўқув курсларининг яна бир ижобий жиҳати, бу педагогик амалиётнинг жорий этилганидир.

— Марказда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қўл келди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси доценти Ғтамурод Хужманов. — Чет тили хонаси лингафон билан жиҳозланган. Бундай шарт-шароитлардан умумий фойдаланиб, билимларимизни янада бойитганимиздан мамунмиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ташкил этилиши тиббий-педагоглар салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қодиржон СОЛИЕВ, Андижон давлат тиббиёт институти профессори.

Унумдорлик ОШДИ

Сирдарё вилоятининг Бобўт туманидаги "П-7" коллекторида олиб борилган таъмирлаш-тиклаш ишларидан сўнг 670 гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

МЕЛИОРАЦИЯ

Мирзаобод, Гулистон, Ховос, Сардоба, Сирдарё туманларида ҳам шундай чоратадбирлар амалга оширилди.

— Бу жараёнда замонавий техника ва технологиялардан самарали фойдаланаямиз, — дейди 15-қурилаётган қорхоналар бирлашмаси дирекцияси бош мутахассиси Ваҳобиддин Абдуназаров. — Масалан, Хоразм вилоятида ишлаб чиқарилаётган гидравлик экскаваторларнинг иш умуми аввалгиларига нисбатан бир неча баробар юқори. Унинг ёрдамида кунга миң кубометр тупроқ юмушларини бажариш мумкин.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш бўйича 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда вилоятдаги 20 та объектда шундай таъмирлаш-тиклаш тадбирлари олиб борилиши мўлжалланган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

Сизларни 2016 йил 1, 3, 10 ва 15 март кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф қилади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-ўйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли (собиқ «Митан шароб» МЧЖ балансида бўлган) Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинон кўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган қуйдагилар:

- * узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 1;
- * узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 2;
- * қўйиш линияси;
- * иситиш ускунаси (Е-1/10-0,9 қозони);
- * иситиш ускунаси (Е-1/10-0,9М2 қозони);
- * трансформатор подстанцияси тўплами (ТМ-63/10 кВт трансформатори);
- * 72 дон турли ҳажмдаги алюминий ва сирланган цистерналардан иборат мол-мулклар яхлит ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 447 693 000 сўм.

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.

Савдо голиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридеги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнақ пули сифатида, шартнома имзоланганидан сўнг 1 (бир) ой мобайнида тўлаши, қолган қисминини эса шартнома асосида келишилган мuddатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан шартнома асосида келишилган мuddатда сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фоизлар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлаши, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунгача объектни тасарруф этиш ҳуқуқсиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқсиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- * юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, устав нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- * жисмоний шахслар — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил катнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- * эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- * икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари: сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати, бизнес-режа.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдода иштирок этиш истагидеги талабгорлар савдога қўйилаётган мол-мулклар бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдоридеги закалат пулини «TosHKent universal auctions savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар ҳамда буюртнамаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланганидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу мол-мулклар билан яқиндан танишиш истагидеги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй. **Телефонлар:** (0-371) 234-45-33, 235-17-02. **Тел./факс:** (0-371) 234-04-53.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. **Телефон:** (0-371) 233-02-49. **Тел./факс:** (0-371) 233-23-40. **Электрон почта:** TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.



Акциядорлик тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалининг

Миробод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Чилонзор филиалларига қарашли банк биноларида қурилиш ва қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича махсус лицензияга эга бўлган қорхоналар ўртасида тендер танловини эълон қилади.

Қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари бўйича тузилган нўсонлик дололатномалари билан танишиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилиш мумкин:

Миробод филиали: Нукус кўчаси, 2-уй. **Тел.:** (0-371) 252-55-17, (+99890) 979-00-26.
Шайхонтоҳур филиали: Хадра майдони, 14-уй. **Тел.:** (0-371) 244-41-24, (+99890) 999-74-53.
Мирзо Улуғбек филиали: Хамид Олимжон майдони, 13-«А» уй. **Тел.:** (0-371) 237-12-02, (+99890) 999-75-09.
Чилонзор филиали: Лабиҳовуз кўчаси, 1-«Б» уй. **Тел.:** (0-371) 253-87-06, (+99890) 999-75-60.

Офертанинг очилиш мuddати — танлов газетлада эълон қилинган санадан 15 кундан сўнг.

Тендер танлови учун тижорат таклифлари қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 9-«Б» уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 281-41-20, 281-42-85.

«Universal auctions invest» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 29 февраль куни соат 12.00 да ўтказилаётган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан ЖИБ Сергели тумани судининг 2014 йил 16 апрелдаги 1-190/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Янгиариқ кўчаси, 80-ўйда сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган 3 донга «GB4706.52 YXD-90» русумли нон ишлаб чиқариш печкаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 718 212 836 сўм.
 Юқоридаги ускуна билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита билимга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 26 февраль куни соат 12.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. **Телефон:** (0-371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059.

UzBuild

Ўзбекистоннинг етакчи қурилиш кўргазмасига марҳамат!

2016 йил 2–4 март

«Ўзэкспомарказ» МКК, Тошкент ш.

www.uzbuild.uz

Махсус бўлим:

ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

BuildTech

www.buildtech.uz

ON-LINE РҲЙХАТДАН ҲТИНГ

Маърифий тарғибот

Инсон маънавий камолоти, хусусан, ёш авлод таълим-тарбиясида тасвирий тарғиботнинг аҳамияти беқиёс. Зеро, кўз орқали кўрилган воқеа-ҳодисалар ва манзаралар хотирада узоқ вақт сақланиб қолади, онгу шууримизга кучли таъсир ўтказиши мумкин. Қалбимиздан чуқур жой эгаллайди. Истиклол йилларида ушбу йўналишда жуда кўп амалий ишлар рўёбга чиқарилди. Айниқса, бу жабҳада "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг алоҳида ўрни бор.

ИЗЛАНИШ

Бугунги кунда кўча ва хиёбонлар, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларни безаб турган широрлар, Ватан манзаралари, янгилик ҳамда воқеаларни акс эттирган йирик ҳажмдаги матнли суратларни кўрганамизда, қалбимизда эзгу туйғу жўш уради. Айниқса, миллий анъана ҳамда қадриятларимизни эъзозлаш, меҳр-оқибат, бунёдкорлик ва яратувчиликка чорловчи бундай воситалар ҳар бир юрtdошимизни хайрли мақсадлар сари руҳлантиради. Юксак марраларни забт этишга ундайди. Шу маънода, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг моддий-техника имкониятлари тобора кенгайиб бораётгани кувонарлиқдир. Бундан уюшманинг Наманган вилояти бўлими фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Жумладан, ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллаларга ўрнатилган кўргазмалар тарғибот воситалари аҳоли маънавий-маърифий сваясиани юксалтиришга хизмат қилаётди. Бундан тўғривалди ва панноларни тезкорлик билан тайёрлаш учун бўлим қошидаги замонавий босма ускунадан фойдаланилаётгани кўл келмоқда. Ваҳолонки, илгари ушбу юмушларни кўргазмалар билан таърифоти широрларни ёзиш, суратлар чизиш ва сайқал бериш ишлари билан беэақчи расом шугулланиб, ҳар бир буюртмани урдалаш мурдатда чўзилиб кетарди. Эндиликда эса

техника зиммасига юклатилган вазифа компьютерлаштирилган усулда амалга оширилади. Яъни ўртача ўлчамдаги буюртма узоғи билан бир-икки соат ичида тўлиқ бажарилади. — Пойтахтдан гуллар шаҳрига меҳмон бўлиб келган кишининг нигоҳи даставвал худудга қараганда ўрнатилган йирик паннога тушади, — дейди бўлим бошқаруви раисининг ўринбосари Абдулвоҳид Раҳмонов. — Унга бежирим ҳарфлар билан Юртбошимизнинг "Покниятли Наманган аҳлининг меҳнат шижоатига мен доимо чуқур ҳурмат билан қарайман", деган сўзлари ёзиб қўйилган. Дизайнерларимиз томонидан юксак дид билан яратилган бундай кўргазмалар воситаларни шаҳарнинг ҳар бир даҳаси, қолаверса, туман марказларида ҳам қўллаб учратасиз. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида бўлимимиз томонидан мингдан ортиқ широр, панно ва плакатлар тайёрланиб, жойларга ўрнатилди.

Маълумки, кўргазмалар тарғибот воситаси ижодий иш намунаси. Бу эса унинг муаллифидан доимий изланиши талаб этади. Малакали дизайнер Элёр Иминов — шундай иқтидорли мутахассислардан бири. У ҳозир таъри-

Дарҳақиқат, "Тасвирий ойна" ижодкорлари доимий изланишда. Зотан, астойдил қилинган меҳнат самараси шаҳару қишлоқлар кун сайн чирой очиб, одамлар маънавияти янада юксалиб бораётганида яққол намоён бўлади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилаётган кенг имкониятлар рақобатдош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ички истеъмол бозорини янги товар ҳамда хизматлар билан тўлдириш, шунингдек, иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда соҳа вакилларининг ташаббуслари банклар томонидан қўллаб-қувватланаётгани айни мурдатда бўлаётди. Жумладан, "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки жамоаси мазкур жараённинг фаол иштирокчиси сифатида, айниқса, ишбилармон аёлларга молиявий жиҳатдан кўмаклашиш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратаётгани ўз самарасини бераётган.

Ушбу молия муассасаси сармояларидан унумли фойдаланиб, бизнес фаолиятини йўлга қўйган хотин-қизларнинг қуйидаги фикрлари бунинг яққол тасдиғидир.



Ишбилармон аёлларга эътибор ва рағбат

Нилуфар ТАЙИРОВА, "Насаф новот" оилавий корхонаси раҳбари:

— Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизда ойига 2-3 тонна атрофда маҳсулот тайёрланиб, харидорларга етказиб

эл-юртга наф келтираётганимиздан жуда мамнунмиз.

Нилуфар МУХТОРОВА, яқка тартибдаги тадбиркор:

— Бугунги кунда молия муассасалари мижоз манфаатини устувор билган ҳолда фаолият юритмоқ-



берилаётгани. "Туронбанк"нинг Қарши филиалидан 85 миллион сўм миқдорида кредит олган, фаолиятимиз янада ривожланди. Иккита қўшимча иш ўрни очилиб, олийк айланма маблағ ҳажми 30 миллион сўмга етказилди. Ваҳолонки, илгари ушбу кўрсаткич бундан 2 баробар кам эди.

Шуни фахр билан айтмазмики, юртимизда хотин-қизларга қаратилган юксак эътибор туфайли жамиятдаги мавқеимиз ошди, тадбиркорликда ўз ўрнимизни топаётимиз. Меҳнатимиз билан

да, сармоялар ҳам биз, тадбиркорларга жуда қулай шартларда ажратилаётди. Масалан, "Туронбанк"нинг Бўхоро филиалидан бир йил мурдатга, уч ойлик имтиёзли давр билан 20 миллион сўм миқдорида кредит олдик.

Ушбу маблағ эвазига хизмат кўрсатиш сифати янада яхшилангани баробарида, бир неча нафар коллеж битирувчилари иш билан таъминланди. Бунинг учун аяқдан молиявий кўмак бераётган банк жамоасига миннатдорлик изҳор қиламан.

Мадина МУХИТДИНОВА, "Мадина шифо фарм" хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз чакана савдо орқали дори-дармон воситалари сотиш билан шугулланади. Ўтган йили фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида "Туронбанк"нинг Самарқанд филиалига 10 миллион сўм миқдорида сармоя сўраб мурожаат қилган эдик. Банк мутахассислари аризамизни маъқуллаб, қисқа мурдат ичида кредит олиш ҳужжатларини расмийлаштириб беришди. Пировардида айланма маблағларимиз ҳажми ошиб, ишчиларимиз сони яна икки нафарга кўпайди. Бошқача айтганда, илгари товар айланамиз ҳажми ойига 15—20 миллион сўм эди. Эндиликда банкнинг молиявий мадади билан бу кўрсаткич 35—40 миллион сўмни ташкил қилапти.

Насиба ҚУРБОНОВА, "Сурхон Жар Барака" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

— Бизнесимизни автомобилларга суултирилган газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш билан бошлагандик. Ушунда ишчиларимиз сони беш нафардан иборат эди. Бугунги кунда

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда қулай бизнес муҳити яратилгани хотин-қизларнинг ҳам ишбилармонлик қобилиятлари тўлақонли рўёбга чиқишида кўл келмоқда. Бу молия муассасалари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклатири. Ушбу жиҳатни чуқур хис этган "Туронбанк" акциядорлик тижорат банки ходимлари бор куч-ғайратини сифатли хизмат кўрсатишга сарфлаб, мижозлар ишончини оқлашга интиломоқда.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ИНТИЛИШ

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Жовуз ўрмон ҳўжалигида ўсадиган ноёб доривор ўсимликлар саноат усулида қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб бериладиган бўлди.

Табиий малҳамлар

Қиймати қарийб 80 миллион сўмга тенг ушбу истикболли лойиҳа худудда иш бошлаган "Китобфарм" масъулияти чекланган жамиятида рўёбга чиқарилди.

Натижада дастлаб наъматак меваси, дала-чой ҳамда тирноқгул каби шифобахш гиёҳларни қайта ишлаб, 50 ва 100 граммлик идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди.

Эҳтиёждан келиб чиқиб, келгусида вилоятда дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган яна тўртта шундай корхона очил режалаштириляпти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Хамса» ҳайратлари

Мамлакатимизда Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар, "Навоийхонлик" кечалари бўлиб ўтмоқда.

ЭХТИРОМ



Уларда бобокалонимизнинг улкан маънавий мероси, фаолияти хусусида адабиётшунос олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг чиқишлари юртдошларимиз, айниқса, ёшларда катта қизиқиш уйғотаётди. Зеро, Алишер Навоий асарлари ибрат кўзгуси бўлиб, уни ўқиш ва ўрганиш, тарғиб этиш ҳар томонлама фойдалидир.

Шу маънода, Навоий таваллуди арафасида Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Сирожиддин Саййиддиннинг "Хамса" ҳайратлари", деб номланган янги китоби нашр этилиши шеърят мухлислари учун муносиб туҳфа бўлди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп қилинган мазкур китоб Алишер Навоий ижодини ўрганиш, бугунги замон ўқувчисини аяқдан таништириш йўлидаги ўзига хос изланиш натижасидир.

Расулжон НАФАСОВ.

Аждодлар эъзози

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган "Назм ва наво" кечасида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бой маънавий мероси, уларнинг халқимиз маданияти ҳамда давлатчилик тарихида тулган ўрни ҳақида сўз юритилди. Зотан, улғу мутафаккирлар асарлари ёшларимиз камолотида алоҳида аҳамиятга эга.

Муסיқа, шеърят ва нафосат кечасида Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизлари Эркин Рўзиматов, Маҳмуд Тожибоев, Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Замира Суянова ва бошқалар томонидан буюк шоирлар газалари асосида қўшиқлар ижро этилди.

Дилфуза ҚАРШИБОВА.

Камолитдин Беҳзод мемориал бог-музейида Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллигига бағишланган бадий кўргазма ташкил этилди.

Унда устоз — шоғирд расомлар — Камолитдин Мирзаев ва Комил Омоннинг олтишидан ортиқ миниатюралари намойиш қилинмоқда. Айниқса, "Бобур Мирзо", "Донишмандлар суҳбати", "Навоий", "Хусайн Бойқаро ва Алишер Навоий", "Эзгулик", "Илм", "Сайр" сингари асарлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Моҳира АДИЗОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҲЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН 5 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 январдаги 1/10-сон «Тижорат банклари томонидан касб-хўнар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1551-3 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 1 февралдаги 2, 111-сон «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низоми тасдиқлаш

тартити тўғрисидаги низоми ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2580-1 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 февралдаги 3, 1-мб-сон «Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номи, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўйиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-1 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 3, 2016-05-сон «Мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинган фойда солиғи ставкасини қўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг 2016 йил 29 январдаги 21-сон «Супер элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқига эга бўлиш учун ҳўжалиқлар ўртасида танлов ўтказиш

ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2580-1 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 февралдаги 3, 1-мб-сон «Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номи, шунингдек ундан ҳосила сўзларни қўйиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2633-1 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 28 декабрдаги 35/7-сон «Давлат қисқа мурдатли облигациялари чиқарилишлари билан ишлаш ва уларни муомалада бўлиши тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 552-3 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2015 йил 31 декабрдаги 2015-36,

113-сон «Давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат божи тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2760 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 6 январдаги 27-сон «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳакамларининг малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2761 (2016 йил 8 февралдан қўчга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг «Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисида намунавий низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2580, 2014 йил 5 май).

Адлия вазирининг 2016 йил 3 февралдаги 28-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Спорт ҳакамлари ва спорт ҳаками тоифалари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2324, 2012 йил 6 февраль).

Адлия вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 32-мх-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳўжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳўжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўймақлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6788